Ислом КАРИМОВ:

ҲАР БИР МИЛЛАТ, ҲАР БИР ХАЛҚ ЎЗ НАСЛ-НАСАБИНИ, КЕЛАЖАК АВЛОДИНИ АСРАБ-АВАЙЛАБ, УНИНГ ҚАДРИНИ БИЛСА, УНДАЙ МИЛЛАТНИНГ, УНДАЙ ДАВЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮК БЎЛИШИ МУҚАРРАР. ЗОТАН, ҲАР ҚАНДАЙ МИЛЛАТНИНГ РАВНАҚИ, УМУМБАШАРИЯТ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ, МАВҚЕИ ВА ШУҲРАТИ БЕВОСИТА ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИНИНГ АҚЛИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ЕТУКЛИГИГА БОҒЛИҚДИР.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
30 МАЙ
СЕШАНБА

№ 62 (25.612).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ВАТАН ФАРЗАНДЛАРНИ АРДОҚЛАР

НАМАНГАНДА «УНИВЕРСИАДА — 2000» БАЙРОҒИ ТУШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Юксак самимият, оталарча меҳр ифодаси бўлган табрик сўзларингиз биз — талаба ёшлар — универсиада иштирокчиларини беҳад тўлқинлантириб юборди. Шундай азиз Ватанда, шундай мусаффо осмон остида яшаётганимиздан, шундай буюк халққа фарзанд эканимиздан кўксимиз ғурур-ифтихорга тўлди.

Эзгу тилакларингиз ва юксак ишончингиз учун бениҳоя миннатдормиз.

Сизнинг бизларга қарата айтган умид ва ишонч тўла сўзларингиз универсиада мусобақалари давомида қучимизга қуч, ғайратимизга ғайрат қўшди, мудом ғолиблик, мардлик, тантилик ҳисси билан майдонга тушишга даъват этиб турди.

Бугун озод ва обод Ватанимизда баркамол авлод тарбиясига улкан эътибор билан қаралмоқда. Гўзал Наманган шаҳрида ўтган универсиада бунинг яққол далилидир.

Сизни ишонтириб айтамизки, биз муқаддас Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ҳамиша тайёрмиз. Юртимиз, халқимиз ва Йўлбошчимиз билдирган юксак ишончга муносиб бўлмоқ бизнинг фарзандлик бурчимиз эканини бир умр ёдда сақлаймиз.

Юртимиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг!

Эҳтиром билан

МИННАТДОР ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ — УНИВЕРСИАДА ИШТИРОКЧИЛАРИ

2000 йил 29 май,
Наманган шаҳри

Ўтган ҳафта мустақил юртимиз ёшлари ҳаётида унутилмас ва бетакрор воқеаларга бойлиги билан ўзига хос саҳифага айланди. Мамлакатнинг турли шаҳарларидан ташриф буюрган талаба-ёшлар бир оила фарзандларидек қўлни-қўлга бериб, ахиллик билан маҳорат ва матонат кўрсатдиларки, уларнинг ҳаракатларида ҳолислик, ҳалоллик намоён эди. Ваҳоланки, спортнинг ўнга яқин тури бўйича уюштирилган мусобақалар қизғин ва муросасиз баҳсларга айланди.

Муҳими универсиада сабаб ёшлар спортнинг ўзига хос сеҳрли хосиятини ҳис этиб, келажаги буюк давлатнинг муносиб ворислари бўлиш учун сўзсиз жисмоний ва маънавий камолот зарурат эканини англадилар. Улар аввало дўст ортирдилар, бундай имконият ва қулайликларни яратиб берган истиқлолдан мамнун бўлдилар, муҳими спорт билан бир умрга ошнолашдилар. Шунинг учун ҳам универсиада шаҳарчасига айланган «Чортоқ» оромгоҳида ёшлик шукуҳи уфуриб турди. Биз ўғил-қизларимизни давлатимиз мадҳияси таралиб, мусобақа байроғи кўтарилаётган чоғларда уларнинг нигоҳларида эзу юртга меҳр балқиб турганини кўриш мумкин эди. Ҳа, юрт тинч, эл осойишта. Фақат барқарор давлатгагина ана шундай тантаналар ярашади.

Мусобақалар эса универсиаданинг сўнгги кунларида, айниқса, қизғин паллага кирди. Ҳар бир талаба шахсий ва жамоа ҳисобида ғолибликни таъминлаш йўлида астойдил маҳорат кўрсатди. Қисқаси, энг кўп совринлар ва юқори очколарни мезбонлар — Наманган вилояти жамоаси қўлга киритди. Кейинги ўринлар «Тошкент — 1» ва Самарқанд вилояти жамоаларига насиб этди.

29 май, соат 18⁰⁰. «Навбаҳор» ўйингоҳи яна тўлиб-тошди. Анжуманнинг ёпилиш маросими. Майдон узра мусиқа садолари янгради. Самода универсиада байроғини ҳилпиратиб улкан ҳаво шари парвоз қилди.

Ёшликнинг, дўстликнинг, спортнинг олий туйғулари кўнгилларни жунбушга солади. Гулдурос қарсаклар остида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга «Универсиада — 2000» иштирокчилари мактубини НамДУ толибаси Г. Муҳитдинова ўқиб эшиттирди. Мактубда Ўзбекистон ёшларига тақдим этилган спорт, ёшлик ва дўстлик байрами учун миннатдорлик изҳор этилган.

Универсиаданинг ташаббускори ва раҳнамоси бўлган Президентимиз спортда алоҳида маҳорат намуналарини кўрсатган 15 нафар талаба-ёшларга «Тико» автомашинаси совға қилганликлари маълум этилганида олқишлар янгради. Ғолибларни мукофотлаш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, республика Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов совриндорларга юртбошимиз совғаларини топширдилар.

Томошабин тўла ўйингоҳ ғурурдан, сурурдан минг яшнади. Санъат усталарининг чиқишлари спортчи йигит-қизлар руҳиятига уйғун бўлиб кетди. Ватан, ёшлик, дўстлик ҳақидаги қўшиқлар янграганда томошабинлар қўлларидаги давлатимиз байроғини баланд кўтардилар, ўз юртларига содоқатини намойиш этдилар. Концерт сўнггида Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов универсиада байроғини Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусейновга топширди. Чунки навбатдаги универсиада машъаласи икки йилдан сўнг Бухорода ёқилади.

Энг ҳаяжонлиси анжуман адоғида юз берди. Майдонга кириб келган Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг делегациялари байроғимиз остида жипслашдилар. Энди вилоятларни кўрсатувчи тахтакачлар йўқ эди. Ҳамма бир тан, бир жон бўлиб кетди. Юртимиз бирлиги, Ватан ягона, Ватан битталиги, шу Ватан ёшлари якдил, яққадам, ҳамжиҳат экани уфуриб турди.

Зеро, тинч, осойишта юртимизга, фидойи халқнинг юртпарвар ўғил-қизларига шундай байрамлар ярашиқли. Илоҳим яратган бизларни ёмон кўзлардан асрасин, миллий истиқлолимиз, байрамларимиз абадий бўлсин.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар





Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ҚИЙМАТИ 500 СЎМ БЎЛГАН ПУЛ БИЛЕТИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

2000 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 500 сўм бўлган пул билети муомалага чиқарилади.

Пул билети 144x78 мм. ўлчамда босилган.

Билетнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби кўринишидаги сув белгиси мавжуд. Билетнинг ўнг тарафида ҳимоя ипи ўтади.

Билетнинг олд тарафи асосан оч яшил, олчаранг, тўқ қизил ва бинафша, орқа томони тўқ қизил, яшил ва ҳаво ранглардан иборат.

Билет олд тарафининг юқори қисмида «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ» ёзуви бор.

Билетнинг чап қисмида турли рангдаги безаклар фонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида еттита рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси бор.

Билетнинг чап ва ўнгдаги бурчакларининг қуйи қисмида нақшинкор рамка ичида «500» рақами тасвирланган бўлиб, банкнотнинг қийматини билдиради. Ундаги 500 рақами устига йирик ҳарфлар билан «СЎМ» деб ёзилган.

Пастки қисмида «ЎЗБЕКИСТОН СЎМИ РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДА ҲАММА ТЎЛОВЛАР УЧУН ЎЗ ҚИЙМАТИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ШАРТ» деган ёзуви бор.

Билет оқ сатҳининг қуйи қисмида билет серияси ва номери тагида «500» рақами тасвирланган, юқори қисмида «1999» ёзуви бор.

Билет орқа томонининг чап қисмидаги оқ сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби кўринишидаги сув белгиси мавжуд. Оқ сатҳнинг юқори ва пастки қисмларида турли кўриниш ва ранглардаги нақшинкор безаклар мавжуд. Пастки безак устида «500» рақами акс эттирилган.

Билетнинг марказида от миниб турган Амир Темур ҳайкали тасвирланган.

Ҳайкалнинг ўнг тарафида миллий услубда турли ранглардаги нақшли безак тасвирланган.

Билетнинг марказий қисми юқори чап ва пастки ўнг томонларида бир-бирини кесиб ўтувчи «500» ва «СЎМ» ёзувлари мавжуд.

Билетнинг қуйи қисмида «ЎЗБЕКИСТОН СЎМИНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ ҚОНУНҒА МУВОФИҚ ТАЪҚИБ ҚИЛИНАДИ» ёзуви мавжуд.

Мазкур пул билети Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамма тўловлар учун мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан, шунингдек, банклар томонидан омонатларга ва ҳисоб рақамларга қўйиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 30 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	135,37	10 Люксембург франки	53,83
1 Австрия шиллинги	15,78	1 Малайзия рингити	62,55
1 Англия фунт стерлинги	350,15	1 Германия маркаси	111,03
10 Бельгия франки	53,83	1 Польша злотийси	52,49
1 Голландия гульдени	98,54	1 СДР	310,79
10 Греция драхмаси	6,65	1000 Туркия лираси	0,38
1 Дания кронаси	29,13	1 Финляндия маркаси	36,52
1 БАА дирхами	64,71	1 Франция франки	33,11
1 АҚШ доллари	237,65	1 Швейцария франки	138,95
1 Миср фунти	69,13	1 ЕВРО	217,16
10 Испания песети	13,05	10 Жанубий Корея вони	2,09
100 Италия лираси	11,22	10 Япония иенаси	22,11
1 Канада доллари	158,18	1 Россия рубли	8,41
1 Хитой юани	28,71	1 Украина гривнаси	43,90

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Тойжонов Бахтиёр Мирзаахмедович Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари этиб;

Жамолов Бахтиёр Ўроқович Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб;

Абдувалиева Комилахон,
Акбаров Рустам Аҳматович,
Анисей Татьяна Усмоновна,
Бозорова Мавлуда Исмоиловна,
Жузбанов Хабибулла Сойсембаевич,
Исмоилов Бахтиёр Жўраевич,
Исмоилов Собиржон Абдуллаевич,
Кадирова Ёқутхон Акбарходжаевна,
Маликов Ҳаким Каримович,
Муҳаммадиев Аюб Абдурахмонович,
Наимов Баҳриддин Азимович,
Усмонов Ҳусан Мухсимович,
Ҳасанов Холмамат Маҳмудович,
Хўжамуратов Султонмурод Атамахсимович,
Шурова Альфия Иногамовна,
Қодиров Собир Солихович,
Қорабоев Тоҳиржон Норматович

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин.

2. Қуйидагилар:

Ф.Асланов берган аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;

А.А.Полвон-зода бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан;

К.У.Саидов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан;

М.И.Халманов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 26 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Қуйидагилар:

Абдусаломов Мирза Улуғбек Элчиевич Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси этиб;

Азимов Мурат Каримович,
Рузиназаров Шуҳрат Нуралиевич,

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосарлари этиб;

Бахриев Уткур Ульмасович,
Есниязов Есенбек Казиевич,
Закирова Лариса Григорьевна,
Камилов Козимжон Фозилович,
Солиев Исмоил Комилович,
Таникулов Собир Мирзаевич

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 26 май

ЙИЛ ОЙ КУН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПЬЮТЕРЛАРИ — ГЕРМАНИЯДА

Германиянинг Хонновер шаҳрида ўтказилган халқаро компьютерлар кўргазмасида Самарқанддаги «ТС-технология» илмий ишлаб чиқариш маркази ҳам иштирок этиб, мутахассислар эътиборига сазовор бўлди. Уларнинг фикрича, «ТС-технология» Марказий Осиёдаги истиқболи компьютер технологияси ишлаб чиқарувчи марказ ҳисобланади. Маълумки, Хонновер компьютер кўргазмаси дунёдаги энг йирик савдо марказидир. Ҳатто у энг йирик савдо мажмуи сифатида Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га ҳам киритилган. Мазкур кўргазмада юздан зиёд давлатнинг 7500 фирмалари ўз маҳсулотлари билан қатнашди ҳамда уни бир ҳафта мобайнида бир миллион киши келиб кўрган.

«ТС-Технология» мутахассисларининг ҳамкорлар билан ишлаб чиқараётган арзон компьютер технологиялари кўргазма ташкилотчилари ва ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди ҳамда улар ушбу марказ келажагига катта умид билан қаратаётганини эътироф этишди.

«ПАХТАКОР» ОЛИЙ ЛИГАНИ ТАРК ЭТАДИМИ?

Ҳозирча йўқ. Лекин тошкентлик футболчилар шу зайил тўп суришса, олий лигани тарк этиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Очиғи, пахтакорчиларнинг бу йилги ҳаракати жуда суст. Чемпионат бошланишидаги кетма-кет мағлубиятдан сўнг сал ўнгланиш сезилгандай бўлганди. Афсуски, яна... Сўнгги турда эса «Навбаҳор»га ютқазишди.

Чемпионат ўйинлари айни қизғин паллага кирган вақт ҳозир. «Пахтакор» жамоаси мураббийлари ва футболчилари ўйинларда ўзгариш ясамасалар, кузда... жўжани ким санайди, билмадик.

Ишқибозлар ҳалиям ноумид эмаслар. «Пахтакор»га ишонадилар.

■ **Равшан ШОДИЕВ тайёрлади.**



Яшаш учун кураш — Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ҚОНУН ИНСОН УЧУН

«Қаерда қонун ҳукмрон бўлса, ўша ерда эркинлик бор».

Амир ТЕМУР.

Асосий Қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимиз эришган буюк ютуқ ҳисобланади. Қабул қилинган бошқа қонунлар барқарор ҳуқуқий муҳит ва қонунийликни таъминлашда асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Мустақил Ватанимиз Конституциясида биринчи маротаба (34-модда) «Жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас», дейилган. Бу эса мустақил Ватанимиз Конституциясининг алоҳида томони ҳисобланади. Қонунийлик қонунларга ва бошқа қонун кучига эга бўлган ҳужжатларга бўйсуниш, риоя қилиш, қонуннинг устунлигини ҳис қилиш, тушуниб етиш каби тушунчалар, унинг асосий қоидаларидан бири қонунийликнинг ягоналиги ва унинг бир хилда қабул қилинишини тушунилишидир. Шу ўринда ҳуқуқий маданият тушунчасига эътиборимизни қаратсак. Ҳуқуқий маданият «қонунларни нечоғли билишидангина иборат бўлмай, балки қонунларга бўйсуниш ҳам маданият демакдир» деган эди Президент. Дарҳақиқат, қонунлар ҳуқуқий тартиб ва давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. Қонунийлик асосан демократик ғоялар билан уйғунлашиб кетгандир. Қонунийлик билан демократия биргаликда жамиятдаги ўртача ҳаёт тарзининг, ҳуқуқ-тартиботнинг асосини ташкил этади. Кишиларни қонунга, ҳуқуқ меъёрларига ҳурмат руҳида тарбиялашда авваламбор фуқаролар кўз ўнгида қонуннинг обрў-эътиборининг юксак даражада бўлишига эришиш керак.

Қонуннинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий принципидир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг устунлигини назарда тутади. Қонунийликнинг негизида ҳуқуқ ётади. Қонунчилик ва қонунийлик мустаҳкам бўлиши учун етарли даражада пухта ишлаб чиқилган қонунлар бўлиши талаб этилади. Давлатимиз эса ҳуқуқий меъёр тизимини яхшилаш учун фаол ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ҳозирги даврда қабул қилинган барча қонунлар пухта ишлаб чиқилган, албатта менинг фикримча, мустаҳкам, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига мос қонунлар ҳисобланади. Энди бизнинг, яъни халқимизнинг вазифаси шу қонунларга риоя этиш ва унинг амалга ошмоғини таъминлашдан иборатдир. Давлат тараққиётининг ҳамма босқичларида қонунийликнинг асосий принциплари тўғрисида гапирилганда давлатнинг бутун ҳудудида қонуннинг ягоналиги принципига амал қилинади. Қонунийликнинг ягоналиги принципи тўғрисида Конституциянинг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқишидан, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдир», дейилган. Мақсадимиз фуқаролик, ҳуқуқий, демократик давлат қуриш экан, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдалана олишлари ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила олишлари керак. Ҳуқуқий маданиятлилик даражасига эришмоқ учун ҳуқуқий тарбияни оиладан бошлаш лозим, зеро, инсон дунёга келиши билан дахлсиз яшаш ҳуқуқига эга бўлиб туғилади. Келажагимиз бўлган болалар мактаб партасидаёқ ўз ҳуқуқларини ҳис қилиши керак, яъни тилидан, миллатидан, ирқидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барча тенгдошлари билан ўзининг тенглигини билиши керак.

■ **Мавжуда ДАВЛЕТОВА,**
Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси.

СОЛИҚЛАРГА «ЧАП» БЕРИЛМАСА...

Бугунги кунда жамиятимизда жуда катта ўзгаришлар юз бераётир. Бу мамлакатимизда ислоҳотларни ўтказишда тўғри йўл танланганлигини билдиради. Зеро, давлатимиз томонидан қилинаётган барча ҳаракатларнинг бош мақсади шу юртда яшаётган инсонларга муносиб ҳаёт кечиришига шароит яратишдир. Одамлар онги, тафаккуридаги ўзгаришлар жамиятда рўй бераётган янгиланишларда яққол кўрина бошлади.

Тараққий қилган давлатларда солиқ тизими жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда бу соҳани ислоҳ қилиш, унинг жаҳон талаблари даражасида фаолият юритиши учун Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари чиқдики, буларнинг барчаси ушбу тизимнинг пишиқ-пухта ишлашини таъминлашга қаратилган. Қисқача айтганда, солиқ қонунчилигининг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Эндиги вазифа уни ҳаётга татбиқ этишдир. Шу тизим ходими сифатида баъзи бир мулоҳазаларимни айтиб ўтсам. Халқимиз қадимдан тадбиркорлик билан шуғулланишган. Тадбиркорликда ҳалоллик, иймон энг муҳим омил ҳисобланади. Қолаверса, тадбиркор билимдон, узоқни кўрадиган киши бўлмоғи лозим. Қадимда савдо-сотиқ билан шуғулланган шахсларнинг ўлпон тўлаганларини яхши биламиз. Демоқчиманки, даромад ва фойдадан солиқни тўлиқ ва вақтида тўлашни кишилар онгига янада чуқурроқ сингдириш лозим. Чунки, онда-сонда баъзи тадбиркорларнинг даромадни яшириш ҳоллари учраб турибдики, бу кўнгилни ҳижил қилади. Қонуний тўланиши керак бўлган солиқни яширган билан ҳужжат ошкор қилишини ўйламайдиганлар хато қилади ва бунинг оқибатида ўзларига ташвиш орттириб оладилар. Ҳозир ишлаб даромад қиламан, эзни ҳам тўйдираман, дегувчиларга имконият кенг. Фақат қонунни четлаб ўтмай, вақтида ҳисоб-китоб жойига қўйилса бас. Тўловлар муддатида ўтказилса олам гулистон.

Гоҳида солиққа тортилиши керак бўлган даромад яширилади. Хўш, нимага шундай ҳолатлар бўлаётир? Бунинг сабаби шуки, айрим фуқаролар қонунни била туриб, нотўғри иш қилишади. Улар давлат ва жамият олдидаги мажбуриятларини адо этишмайди. Шу юртда яшаб меҳнат қилаяпсанми, марҳамат қилиб унинг тараққиётига ҳисса қўш. Назаримда маънавиятсиз кишилар ғайриқонуний ишга қўл уришади. Шу ўринда туманимизда рўй берган қонунсиз ҳаракатлардан мисол келтирсам. Ойбек Сўпиев талаба. Қолаверса, савдо билан шуғулланиши учун ҳужжати йўқ. Шундай бўлса-да у «бизнес» қилмоқчи бўлиб, истеъмолга яроқсиз 39 килограмм этил спиртини 52600 сўмга сотган. Фойда олиш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан, солиқ объекти ва ундан тўланиши керак бўлган даромадни яширган. Унинг бу хатти-ҳаракати қонунга зид, деб топилиб иши судда кўрилди.

Бегали Тўйчиев «Ҳаёт» ХК раҳбари бўлиб ишлайди. Унинг иш фаолияти текширилганда солиқ ва тўловларда «адашиш»лар борлиги маълум бўлиб қолди. Шу ўринда савол туғилади? Бюджетга тўланиши керак бўлган солиқ миқдорини Бегали Тўйчиев билмаганми? Билган. Аммо ҳужжатларни нотўғри тўлғазиб давлатни ҳам, ўзини ҳам алдаган. Оқибати эса яхши бўлмади. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, айбига яраша жазоланди. Яқинда ана шундай солиқларга «чап» берувчилардан бири «қармоққа» илинди. «Ҳакимжон» кўп тармоқли хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасида таъсисчи бўлиб ишловчи Бунёдбек Йўлчиев 14 миллион сўмликдан зиёд спиртли ичимликни нақд пулга сотиб назорат касса машинага туширмай, ҳукумат қарорлари талабларини қўпол равишда бузганлиги аниқланди. Бунёдбекнинг «бунёдкор»лиги билан туман ички ишлар бўлими терговчилари шуғулланишмоқда.

Мазкур тизимдаги ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти атайлаб, қасддан содир бўлаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Ишбилармон — тадбиркорлар қонун ва қарорлардан хабардор бўла туриб уни бузишмоқда. Қабул қилинган маъмурий ҳужжатларга беписандлик уларнинг асл башарасини очаётир. Бундай шахсларнинг маънавияти кишини ташвишга солади. Улар белгиланган тартибда фаолиятларини юргизиб, ҳеч нарсани яширмай давлат солиғини тўкис тўлаганларида ортиқча гап-сўзларга ҳожат қолмасди.

Юқоридаги гаплардан хулоса шуки, кенг имкониятлар, тегишли ҳуқуқий асослар яратилганлигига қарамай ҳамон қонунни четлаб ўтишга ҳаракат қилаётганларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундайларни маънавиятсиз, иймони суст дейиш ўринли. Бойлик топишнинг тўғри йўли туриб эгрисига киришнинг охири яхшилик билан тугамаслигини ҳар бир фуқаро чуқур англаб олиши даркор. Ривожланган мамлакатларда даромадни яшириш, вақтида солиқни тўламаслик оғир жиноят саналади. Улар ана шу хилдаги қонунбузарликка йўл қўймаслик учун вақтида солиқ идоралари билан ҳисоб-китоб қилишади. Айнан шу маънода Шаҳрихон туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Аҳоли ўртасида солиқ қонунчилиги борасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Натижада туман бўйича бюджет тўловлари режаси бажарилмоқда.

Ҳалоллик тадбиркорликнинг бош мезонига айланиши керак. Шундагина барака бўлади. Демоқчиманки, солиқ тўлаш фуқароларимизнинг бурчига, мажбуриятига, таъбир жоиз бўлса одатига айлансагина ниятимизга етамиз. Негаки, фарзандлар камоли, иқтисодимиз юксалиши, давлат қудрати кўп жиҳатдан тўловлар тушумига боғлиқ. Шуни эсдан чиқармаслигимиз зарур.

■ **Адҳамжон РАСУЛОВ,**
Шаҳрихон туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБЛАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон шаҳар кенгаши фаоллари мактаблардаги сўнгги қўнғироқ тадбирларида қатнашдилар.

Намунали хулқли, аълочи ўқувчиларга мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг асарлар тўпламлари тақдим этилди. Фаол ўқитувчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ТУРОН» ХИЗМАТИДАН ЭЛ МАМНУН

Навоий шаҳридаги 23-сонли «Турон» автосаройи ўз иқтисодиётини рослаётган корхоналардан ҳисобланади. Автосаройда жами 103 та техника мавжуд бўлиб, шундан 96 таси автобусдир. Корхона ҳайдовчилари жорий йилнинг биринчи чорагида автосарой иқтисодиётига 46961 минг сўм даромад келтирди. Бу кўрсаткич 1998 йилнинг шу даврига нисбатан 29453 минг сўмга, 1999 йилга нисбатан эса 11472 минг сўмга ортиқдир.

Айтиш жоизки, бунга сабаб, автоуловларнинг ўз вақтида таъмирланиши ҳамда техник тайёргарлик коэффицентининг 0,4 фоиздан 0,8 фоизга кўтарилганлигидир. Айни кунда автоуловлар бетўхтов ишлашини таъминлаш мақсадида 10 млн. сўмлик автомобиль эҳтиёт қисмлари ва автошиналар сотиб олинди.

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**

ОЧИҚ ГАПЛАР

АЙБ ПОЕЗДНИНГ ИМИЛЛАШИДАМИ?

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг Чирчиқдан Янгийўлгача поезд тортган 308134, 308135, 308152, 308166, 308159 рақамли вагонлар 6 майдан 10 майгача, яъни беш кунда етиб келибди. Аниқроғи, Чирчиқ электр кимёсаноат заводидан Янгийўлнинг «Наврўз» темир йўл бекатига — Қуйичирчиқ тумани «Ўзбекистон беш йиллиги» хўжалиги учун юборилган кимёвий ўғитни деҳқонлар шунча кун кутишди.

— Бу йил деҳқонларимиз 2525 гектар ерга чигит қадашган. Айни пайтда ниҳолларга ишловни бошлаб юбордик, — дейди хўжалик ҳосилоти ёрдамчиси Абдумушарраф Эрматов. — Бизга бу йил 800 тоннадан ошиқ азот ўғити керак. Минг машаққат билан 300 тоннадан кўпроқ ўғитни олиб келдик, холос.

— Техникадан бироз қийналиб турибмиз, — дейди хўжалик товаршуноси Рустам Йўлдошев. — Бундай пайтда, ўнлаб машина ва тракторлар ҳам камлик қиларкан. Вагонларни тезда бўшатмасак, жарима хўжаликка солинади. Лекин улардан, нега шугина йўлда беш кун юрдинглар, дейдиган азамат йўқ...

Бу албатта, деҳқоннинг гапи. Кўриниб турибдики, бугун деҳқон ҳосили бўлиқ бўлиш учун барча ташвишларни бўйнига олган. Чопиқ қилади, сув тарайди. Ўғит ташийди, тиним билмайди.

Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, бу йил вилоят бўйича 105 минг гектар ерга чигит қадалган. Унга 222043,7 тонна азот, 66035 тонна фосфор, калий ўғити эса 12056,3 тонна олишлари белгиланган. Бироқ, бу миқдордаги минерал ўғитни гектар бошига бўлсак, ҳали бу етарли даража эмаслигини англайсиз.

Ҳеч бўлмаса, режалаштирилган минерал ўғит ўз вақтида етказиб берилиши керак эди. Ана шунда мўлжалдаги ҳосил олиниши мумкин. Маълумотларга яна кўз югуртирамиз. Вилоят пахтакорлари 7972 тонна азот, 2902 тонна фосфор, 375 тонна калий ўғитини олишганлигига нима дейсиз?

Тўғри, ҳали экин парвариши олдинда, шошиб қаерга борамиз, дегувчилар ҳам топилиши мумкин. Лекин минерал ўғитни ҳам деҳқон олдиндан жамғариб қўйганига нима етсин? Кўнгил жойига тушиб, бутун диққат-эътиборни парваришга қаратармиди?

— Аслида бизга ажратилган фонд жуда кам, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассиси Бахтиёр Осмонов. — Масалан, бир гектар ерда пахта етиштириш учун камида 140 кг. фосфор, 110 кг. калий ўғити ишлатиш мақсадга мувофиқ. Бизга эса фонд бўйича ҳар гектарга 66 кг. фосфор, атиги 12 кг. калий ажратилаётир. Устига-устак, шу кунгача ажратилган ўша фоннинг ҳам — атиги уч-тўрт фоизга яқинини ҳам хўжаликлар олишга эришмаганлиги ачинарли ҳолдир.

Шубҳасиз, ғалвир сувдан кўтарилган пайт, йил сўнгида режа бажарилмай қолса, айб кимда эканлигини ахтаришга тушамиз. Аравани ҳар ким истаган томонга тортишнинг оқибати ёмон бўлишлиги ҳаёлга ҳам келмайди.

Поезд бор-йўғи бир соатлик йўлда ҳафталаб «юрса», белгиланган режада аниқлик бўлмаса, ҳатто ўша фоннинг ҳам арзимас қисмини олмагандан кейин деҳқоннинг кўнгли тинчийдими? Меҳнатида барака бўладими? Урган кетмонининг ҳар бир зарбида умид учқуни ялт этадими?

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

«МИЖОЗ УЧУН ИШЛАЙМИЗ»

Сизга таништирмоқчи бўлганимиз — Отабек Оллашукуров. 29 ёшда. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро иқтисодий алоқалар куллиётини тугатган. Иқтисод фанлари доктори Сайман Бержоновнинг севимли шогирдларидан. Устозининг ҳамма ўгитларини бажаргану, фақат бир мартагина «хафа қилишга» тўғри келган: аспирантурада қолишдан воз кечган. Амалиётда ишлашни афзал билган. Назарий билимларини янада чуқурлаштириш, амалиётда ўрганганларини жамлаб, банк иши назариётига ўзининг ҳам ҳиссасини қўшиш нияти йўқ эмас.

Бундан бир неча йил олдин Тўрткўл туманида «Тадбиркорбанк»нинг номини эшитганлар кўл силтаб кўя қоларди. Бунинг сабаби: банкдан ҳамкорингга на пул ўтказа оласан, на маблағ ола биласан — банкнинг оғир аҳволи туфайли доим «корсчёт ёпиқ» деган жавобни эшитардинг. 1995 йил Отабек Оллашукуров бошқарувчи бўлиб келган пайтда яхши ниятлар билан шу банкдан ҳисоб очган 415 мижознинг ярми кетиб бўлган эди.

Хуллас, ишни фермер ва тадбиркорлардан тўлаш муддати ўтказилган кредитларни ундиришдан бошлашга тўғри келди. Қайсидир фермер имкониятларини ҳисобга олмай қарз олган, натижада ишни йўлга кўя олмай борбудидан ажралган. Қайсидир тадбиркор бозорни ўрганмай иш бошлаган. Қарзларни ундириш янги бошқарувчи учун сабоқ бўлди — банк мижозининг имконият ва қобилиятини ўрганмай туриб қарз берса, қуйиб қолади. Яна бир муҳим нарса — олинган кредитни ўрнида сарфлаш, яхши фойда олиш учун мижоз билан бирга ҳаракат қилишинг, унга кўмакдош бўлишинг лозим.

Мижоз бойиса банк ҳам бойийди. Отабек Оллашукуров бу гапни ходимларига қайта-қайта уқтиради. Иш бошлаган кезлари бир сафар «қаттиқроқ уқтириш»га тўғри келган.

Ходимлардан бири пул олиш учун келган мижознинг чекини столга ирғитибди: «Аввал ҳисоботларни топшириб кўйгин!» Кўпол муомала мижозни ранжитибди ва алам уни бошқарувчининг кабинетига етаклабди. Отабек ходими кўполлик билан «етказган» гапни мулойимлик билан тушунтирди. Мижоз ҳовуридан тушиб, хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

Ходим эса бошқарувчи хонасида «тузланди». «Сени ким боқиб ўтирганини биласанми? Ана шу мижозлар! Уни хушмуомалалик билан кутиб олишга, хизматига шай туришга, тушунмаганини яхши гап билан уқтиришга мажбурсан — сени боқиб ўтиргани учун...» Ана шундай тадбирдан ва талаблардан сўнг ходимлар сараланиб қолди, бу талабни бажара олмаганлар ишдан кетди.

Қолганлар эса ҳар куни, ҳар соатда синовдан ўтади. Ҳар жума кунги иқтисодий машғулотдаги ҳаяжон институтга кириш имтиҳони топширгандагидан кам бўлмайди. Янги чиққан, бевосита хизмат вазифангга алоқадор фармон ва қарорларни ёнғоқнинг мағзидек чақиб билишингни кўрсата олмадингми тамом, мукофотдан айриласан. Мукофот эса йилда ё кварталда эмас, ҳар ойда берилади. Бунинг устига бир ойлик маош миқдорида...

Ана шу мукофотлар ортида бутун жамоанинг изланишлари, меҳнатлари ва ана шу меҳнат туфайли келган муваффақиятлар ётибди.

1996 йил уч мижозга 1 миллион 150 минг сўм кредит ажратилган бўлса, 1997 йил 8 мижозга 9 ярим миллион, 1998 йил 22 мижозга 32 миллион сўм кредит ажратилди. Ўтган йил бу рақам салкам 52 миллион сўмни ташкил этди.

Икки йил давомида сутни қайта ишлаш линияси қуриш учун кредит олиш ҳаракатида юрган «Машъал» фермер хўжалиги раҳбари ҳисоб рақамини «Тадбиркорбанк»га ўтказгач, муаммоси атиги 20 кун ичида ҳал бўлганидан ҳайратга тушди.

Фермер Мавлон Абдуллаев «Тадбиркорбанк»дан 3 миллион сўм кредит олганидан ва сутни қайта ишлаш линиясини сотиб олиш ва ишларни ташкил этишда банкнинг кўмагидан хурсанд. Қисқа вақт ичида фермер хўжалигида ўз маҳсулотидан сарёғ, қаймоқ, творог ва қуюлтирилган сут ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энди фермер хўжалиги фойдани ҳисоб-китоб қиляпти. Олинган фойда кредитни муддатидан олдин қайтариш имконини бериши дастлабки натижалариданоқ маълум бўлди.

Ана шундай ишларнинг натижаси ўлароқ энди Тўрткўлда ишбилармонлар «Тадбиркорбанк»ни ҳавас билан тилга оладиган бўлишди.Бу ҳавас мижозларни етаклаб келаверди. Мижозлар сони кун сайин ошяпти. Кўшни туманнинг тадбиркорлари ҳам Тўрткўл тумани бўлимига мижоз бўлишни афзал кўришяпти. Фақат тўрткўлликлар эмас, қўшни туман аҳолиси қўлида ҳам банкнинг бўлими орқали сотилган 7 ярим миллион сўмлик акциялари бор. Йил сайин даромадини олиб туришибди. Банкнинг ўз ғазнасининг очилиши ҳам мижозларни қувонтирди. Жамғармаларини ҳам омонатга ишонадиган бўлишди, чунки исталган вақтда нақд қайтариб олиш мумкин, яхшигина фоизлар олиш имкони ҳам бор.

Яқинда тумандаги Қ. Нурумбетов номли ширкатлар уюшмасида кичик бўлим очилди. Энди тўртта қўриқ хўжаликлари фермерлари ва ишбилармонлари 70-80 километр йўлдан туман марказига қатнаб овора бўлишмайди — барча банк операциялари кичик банкда амалга оширилади.

Нафақат «Тадбиркорбанк» тизимида, балки барча банклар орасида Тўрткўл бўлими энг яхши бўлимлардан бирига айланганига сабабини суриштирганимизда Отабек Оллашукуров саволимизга савол билан жавоб қайтарди:

— Мамлакатимизда бозор иқтисодини ривожлантиришда муҳим бўғин сифатида банк фаолиятини юқори савияга кўтаришда алоҳида имтиёзлар, имкониятлар яратиб берилаётган бир пайтда ёмон ишлаш мумкинми?

Биз эса бу гапни сал бошқачароқ қилиб айтмоқчимиз: «Шунча имконият берилганда ҳам қолоқлик домига тушган корхона ёки ташкилот бўлса, у ердаги раҳбар нўноқ ва саводсиз»...

... Отабек Оллашукуровни хонасидан чиқиб, то машинаси ёнига келгунича ҳам кузатиб турдим. Йўлакда, кўринишидан фермер шекилли, уч-тўрт киши тўхтатди. Гапларини даромад-буромадсиз, ҳал қилинишига ишонч билан айтишди. Отабек Оллашукуров ҳам даромад-буромадсиз, чўрт кесиб жавоб берди, нималарнидир тушунтирди, ёнидаги ўринбосарига ўша фермерларнинг иши бўйича қандайдир топшириқлар берди.

Шу лаҳзада баъзан тадбиркорларнинг қайсидир банк раҳбари ҳузурига киролмаслиги, кирсаям иши битмай чиқиши, қандайдир қоғоз учун кун бўйи қабулхонада сарғайиб ўтиширишлари ҳақидаги гапларини эслаб кетдим.

Мижоз олдига сунъий тўсиқларни қўймасанг ва ниҳоят банк мижоз учун эканлигини ҳамиша ёдингда сақласанг, унча-мунча муаммо ва масалалар ана шундай йўл-йўлакай ҳал бўлиши мумкин экан.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Интервью — Владимир ПАНОВ олган сурат

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1998 ЙИЛ

14 январь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши хузуридаги илмий-назарий семинарнинг жорий йилдаги илк машғулоти бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалоловнинг «Оиланинг инсон тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти» мавзуидаги маърузасини тингладилар.

22 январь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мелкулангар Кумаран Бхатрокумар қабул қилинди. Меҳмон, Ўзбекистондаги, унинг юртида амалга оширилаётган ислоҳотларга кўп жиҳатдан ўхшаш ўзгаришларга, Ҳиндистонда катта қизиқиш мавжудлигини таъкидлади. Суҳбат давомида икки дўст мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг мунтазам ривожланиб бораётгани қайд этилди.

27 январь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика Олий Мажлиси депутатлигига бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзодлар кўрсатиш масаласи кўриб чиқилди.

5 февраль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шаҳриёр Рашид, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

20 февраль. Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг матбуот нашрларига 1998 йил учун обунани ўтказиш бўйича вазифалари тўғрисида»ги 1997 йил 30 сентябрь қарорини бажарилиши якунлари ҳақида»ги масала кўриб чиқилди.

21 февраль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XVIII пленуми бўлиб ўтди. Унда мамлакат туб ислоҳотларининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 1997 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи, республика Олий Мажлисидаги ХДП фракциясининг ўтган йилдаги иши ҳақидаги ахборот, Ўзбекистон ХДПнинг 1997 йилдаги бюджетининг бажарилиши якунлари ва унинг 1998 йилги бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳамда партия ички ҳаётига оид бошқа масала кўриб чиқилди.

Шу куни Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссиясининг мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссиясининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

25 февраль. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Александр Пацев, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

12 март. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши хузуридаги илмий-назарий семинарининг навбатдаги машғулоти «Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш давр талаби» мавзуига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Б.Эшонов бу ҳақда маъруза қилди.

28 апрель. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясининг кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан МК Сиёсий ижроия қўмитасининг умумий нуқтаи-назари ишлаб чиқилди ва уни Олий Мажлис XI сессиясида ифода этиш партиянинг мамлакат парламентидаги фракцияси аъзоларига тавсия қилинди.

(Давоми бор).

НИГОҲ

ЗИДДИЯТ ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?

Яқин Шарқдаги сўнгги воқеалар жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат-марказидаги энг муҳим мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Куни-кеча Исроил ўз қўшинларини шошилинч равишда Жанубий Ливан ҳудудидан олиб чиқиб кетди. Хўш, бундан кейин Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнларининг ҳеч бўлмаганда бир йўналишида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиладими? «Хизбуллох» ҳаракати бундан кейин қандай фаолият олиб боради, деган саволлар кўндаланг бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда БМТ тинчлик кучлари хавфсизлик ҳудудида Исроил қўшинларининг ўрнини тўлдиришмоқда. Исроилнинг шимолий нуқталари билан туташган Ливаннинг жанубий минтақаларини эгаллаб олган «Хизбуллох» ҳаракати Исроилга хавф туғдираётир. Исроилнинг араб ерларини босиб олишидан кейин дунёга келган «Хизбуллох» 22 йил мобайнида Жанубий Ливанда Исроил қўшинларига қарши кураш олиб борди. Бу вақт ичида Исроил 1000 дан ортиқ ҳарбий хизматчисини йўқотди. Исроил оммавий ахборот воситалари мамлакат қўшинларининг Ливандан кетишини Вьетнамдаги воқеа, яъни Вьетнам уруши билан тенглаштирмоқдалар. Бироқ Исроил минтақадан шошилинч чиқиб кетиши билан маълум муаммолар яратадиганга ўхшайди. Ўз қўшинларини БМТ резолюциясига амал қилган ҳолда олиб чиққан Исроил Сурияни оғир аҳволга солиб қўйди. Чунки Ливанда Сурияннинг ҳам 30 минглик қўшини бор. Бу кучлар 80-йилларда Ливандаги фуқаролар урушига чек қўйиш мақсадида олиб кирилган .

Кузатувчиларнинг фикрича, Исроилдан Жўлон тепаликларини қайтариб олгандан кўра, Ливанда қолиш Сурия учун иқтисодий, сиёсий харбий томондан муҳим аҳамиятга эга.

Исроил жанубий Ливанни тарк этганидан бери барчанинг назари «Хизбуллох»га қаратилган. Ҳали ҳам ўз режасидан яъни Исроилни йўқ қилиш режасидан, воз кечмаган «Хизбуллох»нинг келажакдаги фаолияти қандай бўлади, деган муаммо туғилди. Ҳаракат раҳбари шайх Насруллоҳнинг айтишича, агар Исроил Жабалуш-шайҳ шаҳри остонасидаги Шабаа водийсини қайтариб бермаса ва қамоқхоналардаги «Хизбуллох» аъзоларини озод этмаса уруш яна давом этади. Бироқ аввалроқ Насруллоҳ ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга ва сиёсий кураш усулларига ўтишга сўз берганди. Шуниси қизиқки, Шабаа водийси ҳеч қачон Ливан ҳудуди бўлмаган, балки 1967 йил Исроил босиб олмагунча, Сурияннинг таркибий қисми бўлган. Исроил ҳалигача маҳбуслар хусусида, қолаверса, чегара баҳслари борасида ўз фикрини аниқ билдиргани йўқ. Шарҳловчилар фикрича, айни пайтда Исроил икки хил ўйин ўйнамоқда. Яъни бу ўйин билан Ливан ва Сурия ўртасига низо солмоқчи. Биринчидан, агар Исроил ҳудудига битта бомба тушса ҳам «Хизбуллох»нинг мавқеларидан ташқари Сурияннинг Ливандаги контингентига, ҳаттоки Сурияннинг ўзига ҳам ҳаво зарбалари бериши мумкинлиги борасида огоҳлантирди.

Иккинчидан, Исроил Бош вазири Барак Шабаа водийсини Сурияга эмас, балки Ливанга бериш имкониятларини кўриб чиқаётир. Бу эса Яқин Шарқда яна бир оғриқли нуқтани вужудга келтириши эҳтимолдан узоқ эмас.

Бир сўз билан айтганда, агар Сурия ва Ливан билан Исроилнинг тинчлик музокаралари бир маромда давом этса, Исроил — Фаластин йўналишидаги музокаралардан ҳам бирор нарса умид қилиш мумкин. Акс ҳолда Исроил барча йўналишларда тинчлик музокараларини тўхтатиб қўйиши мумкин. Демак, Яқин Шарқдаги воқеалар жараёни занжир каби бир-бирига боғлиқ.

■ **Хориж матбуоти асосида Қўчқор НОРҚОБИЛ тайёрлади.**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН БАКТЕРИЯЛАР

Исроил радиоси 2-канали хабар беришича, 4 минг триллион ҳаётбахш бактерия Таиландга сабзавотлар ва гулларни йўқ қилаётган заруркунандаларга қарши курашишда ёрдам бериш мақсадида юборилди. Шуни таъкидлаш жоизки, бундай вазиятларда биологик кураш воситалари заҳарли кимё воситалари ўрнини босиши мумкин.

Маълумки, Исроил қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар етказаётган шилликқуртларга қарши курашишда кўплаб мамлакатларга ёрдам беради. Исроилдаги «МИНЕРВ» компанияси биологик муаммолар бўлинмаси кўп миқдордаги бактерияларни тайёрлаб, Таиландга юборди. Улар қишлоқ хўжалиги майдонларига қўйиб юборилади ва шу тарзда кимё воситаларини қўлламаган ҳолда зараркунандаларга қарши биологик кураш олиб борилади. Бўлим бош директори Габи Кинан таъкидлашича, мазкур бактериялар инсон учун хатарсиз бўлиб, қишлоқ хўжалигига зарар етказмайдиган бошқа ҳашаротларга ҳам тегмайди.

«Биз Таиландга тахминан 4 минг триллион бактерияни қуритиб, ухлаётган ҳолатда юбордик, — деб сўзини давом эттирди Габи Кинан. — Уларни катта масофадан фақат шундай ҳолатда олиб ўтиш мумкин. Сўнгра улардан фойдаланиш талаб қилинганида сув билан хўллаш кифоя, улар дарҳол зараркунандаларни йўқотиш бўйича ишини бошлаб юборади. Биз мазкур усулни ўсимликлар илдизини еб, катта ҳосилларни нобуд қилган ер чувалчанглларига қарши курашишда қўлладик. Шу тариқа Исроил биотехнологияларини Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун экспорт қилишда қатнашганимиздан хурсандмиз».

Зараркунандаларга қарши курашишнинг ушбу усули Исроил ҳудудининг турли қишлоқ хўжалиги майдонларида қўллаб кўрилган. Натижада улардаги ҳосил ўртача статистик меъёрга қараганда ўнлаб фоизга кўпайган. Мазкур бактериялар Тель-Авивдаги халқаро қишлоқ хўжалиги кўргазмасида намойиш қилинганди.

Миср манзаралари

КОМПЬЮТЕР ВИРУСИ

«МЕН СИЗНИ СЕВАМАН»НИНГ ЗАРАРИ

Кейинги йилларда компьютерлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Хусусан, электрон ҳисоблаш машиналари одамларнинг кундалик турмушида кўплаб қулайликлар яратиш билан биргаликда бизнес ва бошқарув соҳасида кўплаб самарадорликлар яратишга хизмат қилмоқда. Бироқ, компьютерларнинг оммавийлашуви жараёнида янги бир муаммо — компьютер вируси пайдо бўлдики, бу кўпгина мамлакатлар иқтисодиётига жиддий зарар етказмоқда ва уларни бу соҳага жиддий эътибор қаратишга ундамоқда. Хусусан, яқинда янги компьютер вирусининг «Интернет» тармоғи орқали бутун жаҳон бўйлаб тарқалиши ва кўплаб компьютерларни ишдан чиқариши АҚШ Конгрессини ўйлантириб қўйди.

Яқинда, Осиё минтақасидан бутун жаҳонга тарқалган «МЕН СИЗНИ СЕВАМАН» компьютер вируси АҚШ конгрессменларини, ҳодиса юзасидан махсус йиғилишлар ўтказишга мажбур қилди .

«Интернет» орқали тарқалган вируслар жаҳон бўйлаб компьютерларни бутунлай ёки вақтинчалик ишдан чиқариши мумкин. Яқинда электрон почтаси тизимлари орқали «МЕН СИЗНИ СЕВАМАН» сўзлари туширилган мактуб кўринишда тарқалган вирус ўзи бориб тушган компьютерлардаги маълумотларни йўқ қилишдан ташқари, компьютер эгасининг электрон почтаси адреслари руйхатларидаги манзилларга ҳам тарқалиб, бошқа компьютерларни ишдан чиқариш хусусиятига эга, компьютер вирусларнинг сони бугунга келиб, бир неча мингни ташкил этади. Компьютерларни ҳар хил вируслардан ҳимоя қилувчи махсус антивирус дастурларини ишлаб чиқарадиган кўплаб компаниялар мавжуд. Аммо улар доим ҳам янги вируслар қандай бўлиши ва уларга қарши қандай чоралар кўришни олдиндан билишмайди. Америкалик мутахассисларнинг тахминига кўра, «МЕН СИЗНИ СЕВАМАН» вирусининг тарқалиши натижасида кўрилган умумий зарар 6 миллиард 700 миллион долларни ташкил этди. Конгресс ишида қатнашган мутахассисларнинг сўзларига кўра, АҚШнинг камида 14 бошқармаси ва хизмат муассасаларининг компьютер тизимлари шу вирусга чалинган. Албатта, ҳар қандай вирусдан ҳимоя қилувчи универсал дастур яратишнинг имкони йўқ. Компьютерларни вирусдан асрашнинг энг яхши йўли компьютер гигиенасига риоя қилишдир, дейди Америка ахборот хизмати ассоциацияси вакили. Бу компьютерларда ўрнатилган антивирус дастурларини тез-тез янгиларига алмаштириб туришни англатади. Конгресс йиғини давомида антивирус ишлаб чиқарувчи бир қатор компаниялар шаънига танқидлар ҳам билдирилди. Бироқ «МЕН СИЗНИ СЕВАМАН» вируси тарқалганидан сўнг Майкрософт ва Нортон сингари компанияларнинг акциялари нархлари кескин равишда кўтарила бошлади. Чунки компьютер эгалари янги дастурлар харид қилишга мажбур. Вирус тарқалиши билан АҚШ Федерал қидирув бюроси тергов ҳаракатларини бошлади. Натижада вирус Филиппиндан тарқалган деган хулосага келишди. Аммо вирус тарқатишда гумон қилиниб, қамоққа олинган бир неча талаба етарли далиллар топилмагач, қўйиб юборилган. Албатта, аввалари ҳам вируснинг кўплаб турлари тарқалган, лекин бундай катта миқдорда зарар кўрилмаганди.

■ **Абдували СОИБНАЗАРОВ**

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

Жанубий Корея пойтахти Сеулга Япония бош вазири Йосира Морийнинг бир кунлик ташрифи бошланди. Унда томонлар Шимолий Кореяга нисбатан сиёсатни мувофиқдаштириш масалаларини муҳокама қилишлари кутилмоқда.

***

АҚШ давлат департаментининг юқори мартабали вакили Томас Пикенинг Шри-Ланка раҳбарияти билан мамлакатдаги фуқаролар урушига чек қўйиш мақсадида Коломбога келди.

* * *

Москвада Россия Президенти Владимир Путин ва Европа Иттифоқининг юқори лавозимли вакиллари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Шунингдек, бугун Москвада Сербия муҳолифати вакиллари, жумладан, Дракович ташриф буюриши кутилмоқда. У россиялик юқори лавозимли раҳбарлар билан Сербияга чет эл ёрдамини кўрсатиш масаласини муҳокама қилмоқчи.

* * *

АҚШ Президенти Билл Клинтон Европага ўзининг бир ҳафталик сафарини бошлади. У дастлаб, Португалия, Германия, Россия ҳамда Украина мамлакатларига ташриф буюради.

* * *

АҚШнинг Флорида штатида ўз вазифасини бажарган «Шатл-Атлантис» фазо кемаси «Кеннеди» номли фазо марказига қўнди.

***

Перуда Президент сайловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Дастлабки натижаларга қараганда, ягона номзод — амалдаги Президент Алберто Фухимори сайловда қатнашганлардан 75 фоизининг овозини олишга муваффақ бўлган.

***

Россия ва АҚШ Президентлари Владимир Путин билан Билл Клинтон ўртасида Москвада бўладиган учрашув кун тартибига кўплаб масалалар киритилган. Оқ уй раҳбари ёрдамчиси Сэмюел Бергер журналистларга шуни маълум қилди. Унинг айтишича, бўлажак учрашувда Россиядаги иқтисодий ислоҳотлар, қуролларни назорат қилиш, минтақавий муаммолар, жумладан, Корея ярим ороли, Чеченистондаги вазият ва бошқа масалалар муҳокама қилинади.

***

Покистон ҳукумати Ҳиндистон томонини тинчлик музокараларини давом эттиришга чақирди. Биз яна бир бор расмий Деҳли маъмуриятини минтақада ядро қуролини чеклаш масаласида музокараларни давом эттиришга даъват қиламиз, деди Покистон ҳарбий ҳукумати раҳбари Парвез Мушарраф.

Икки давлат ўртасида алоқаларни барқарорлаштириш мақсадида бошланган музокаралар ўтган йили Кашмир можароси сабаб тўхтаб қолган эди.

***

Нигерия шимолида мусулмонлар билан насронийлар ўртасида яна тўқнашув юз берди. Бу икки юз кишининг ўлимига сабаб бўлди. Юзга яқин уйга ўт қўйилди. Полиция тезда ушбу нотинчликни бостирди. Воқеа содир бўлган ҳудудларда комендантлик соати эълон қилинди.

Мазкур мамлакатда жорий йил бошида ҳам диний асосдаги низолар авжга чиққан эди. Ўшанда мингдан ортиқ одам қурбон бўлганди.

ВАЗИРЛИКЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, БАНКЛАР, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР, ҚЎШМА КОРХОНАЛАР, ФИРМАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА! СИЗ МАЛАКАЛИ ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАРГА МУҲТОЖМИСИЗ?
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШД.И.У. 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛИДА КУНДУЗГИ БЎЛИМНИНГ БАКАЛАВР ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА БИТИРУВЧИ ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА.

ЁШ ИҚТИСОДЧИЛАРНИНГ ШАҲАР ВА ВИЛОЯТЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ.

Талабанинг қайси шаҳар ёки вилоятдан келганлиги	Мутахассисликлар номи																					
	Макроиқтисодиёт	меҳнат иқтисодиёти ва социологияси	саноат иқтисоди	қишлоқ хўжалиги иқтисоди	статистика	саноатда бухгалтерия ҳисоби	савдода бухгалтерия ҳисоби	аудит	ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит	суғурта иши, қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси	маркетинг	ташқи иқтисодий фаолиятда маркетинг	жаҳон иқтисодиёти ва халқаро ривожланиш	халқаро валюта-кредит муносабатлари	менеджмент	иқтисодий информатика	иқтисодий кибернетика	иқтисодий-педагогика	ахборотлар технологияси	халқаро бизнес	божхона иши	ЖАМИ
Тошкент шаҳри	14	3	8	1	1	17	4	8	15	5	36	8	41	62						61	2	
Тошкент вилояти	1	2				7	1	1	1		7	1	4	4	1			1	1	3	3	
Андижон вилояти				2					1		2		1	1						1		
Наманган вилояти	1		1				5	4			2		1	3						2	1	
Самарқанд вилояти	2	1		2	1			3	2		1		2	3	1		1			1	1	
Жиззах вилояти		3						1			2		1	1			1	1		1	1	
Фарғона вилояти	2	2		1	3				1	1	1		1	1	2			1		2	2	
Қашқадарё вилояти	5	1	1	2	2	2	3	2	2	2	3		1	4		1	2	2	3	1	2	
Сурхондарё вилояти		1	1			1		1		1	1			1			2		2	1		
Бухоро вилояти	3	1						1	1	1					1	1	3	1		1		
Навоий вилояти	1	1				2									1							
Хоразм вилояти		1			2		1	3	5		1		1	1		2	1		1			
Сирдарё вилояти										1		2		1		1			1		1	
Қорақалпоғистон	1					1					1		2							1		
ЖАМИ:	30	16	11	8	9	30	14	24	28	11	57	11	55	82	6	5	10	6	8	75	13	509

Буюртмаларни Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Маркетинг хизматлари» бўлимига шу йилнинг 15 июнигача юборишингизни сўраймиз. Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.
Маълумот учун телефонлар: 132-63-99 Факс: 132-64-30, 139-41-23

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

ЯХШИЛАР ЁДИ

«... С. Пўлатовнинг олий таълим тизимини ривожлантиришда ва малакали кадрларни тайёрлашдаги узоқ йиллар мобайнидаги хизматларини инобатга олиб, унинг номини абадийлаштириш мақсадида ТИҚХММИда махсус кабинет — музей ташкил қилиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факультетига унинг номини бериш тўғрисидаги таклиф маъқуллансин», — дейилади Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруғида.

Олий таълим фидойиси, меҳнатсеварлиги, билимдонлиги билан қишлоқ хўжалигига етук мутахассислар етказиб беришда, соҳани механизациялаштириш муаммоларини ечишда, фан-техника тараққиётига, ҳамда уни ишлаб чиқаришга жорий этишда ва самарадорлигини оширишда долзарб муаммоларни ечишда, механизатор, ирригатор, электрик, ер тузувчи ва сув хўжалиги иқтисодчиси мутахассисларини тайёрлашда улкан ҳисса қўшган Салим Пўлатовнинг номи нафақат республикамизда, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ва узоқ хорижий ўлкаларда ҳам маълум. Янгиликка интилувчан, ёш, умидли Салим ака таҳсил йилларидаёқ ўзининг салоҳияти, тиришқоқлиги, изланувчанлиги ва юксак маданияти билан ажралиб турарди, шунинг учун ҳам институт илмий кенгаши уни аспирантурада ўқишга тавсия қилади. Аспирантурада «Чигит сеялкасининг ғалтакли миқдорлаш аппарати ишини тадқиқ қилиш» мавзусида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилади.

1961 йили, яъни ўқитувчилик фаолиятини бошлаганига атиги етти йил тўлгач, ўттиз бир ёшли олим жамоанинг сардори, яъни ТИҚХММИнинг ректори этиб тайинланди. Унинг институт раҳбари лавозимида ишлаган ўн саккиз йиллик фаолияти давомида мазкур билим масканида жаҳон андозаларига жавоб берадиган улкан, муҳташам ўқув тажриба мажмуаси, талабалар уйи бинолари қуриб ишга туширилди. 2400 гектар майдонда институтнинг тажриба хўжалиги яратилди, қўшимча янги 5 дан ортиқ мутахассисликлар тайёрланадиган бўлди.

Салим Пўлатовичнинг «Олий мактаб: таълим ва тарбиянинг узвий бирлиги» тўғрисидаги мақоласида: «Адрессиз, аудиториянинг манфаатларидан, куннинг эҳтиёжларидан узилиб қолган маърузадан кўра самарасиз нарса йўқ. Агар маърузачи ўткир масалаларга жавоб беришдан қочса, у одамларда ишончсизлик туғдиради», — дейилади.

Аллома самарали хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, хорижий мамлакатлар учун мутахассислар, илмий кадрлар тайёрлашдаги меҳнатларини қадрлаган Мўғулистон давлати уни фахрий ёрлиқ, Вьетнам ҳукумати эса «Дўстлик» ордени билан мукофотлаган.

Салим Пўлатович зиёлилар қаторида Болгария, Польша, Ҳиндистон, Хитой, Дания каби қатор давлатларда бўлиб, таълим тизими билан танишган.

1985 йилдан бошлаб Салим Пўлатович Тошкент автомобиль йўллари институтида ректор бўлиб ишлади.

У етакчилик қила бошлаган институт тез орада ўқув жараёни ҳамда илмий-тадқиқот ишлари — илм, фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, автомобиль транспорти хўжаликлари ва йўллар учун етук мутахассислар ва илмий ходимлар тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқариш билан алоқани мустаҳкамлаш бўйича энг пешқадам ўқув даргоҳларидан бирига айланди.

Янгиликка интилувчи олим, устоз республикамиз олий ўқув тизимидаги ўзгаришларни, ютуқларни кўра олмадилар.

■ **Шукурулло ЙЎЛДОШЕВ,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор.

НАФОСАТГА ОШУФТА УСТОЗ

Яратилган боғ, очилган ариқ, тикланган бино, шогирдлар... Булар эзгулик йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар шарофатидир. Уста бой маънавий бойлигимиз сарчашмаларидан саналувчи ганч ўймакорлиги санъатида камарбасталик қилганлардан. Азалий қадриятларни асраб, шогирдларга узата олганлардан. У уста Шириннинг иқтидорли шогирдларидан бўлган. Қўлигул инсоннинг санъати Муқимий ва Навоий номли театрлар безагида, машҳур Ситораи Моҳи Хоса деворларида мангуликка битилган. Уста Маҳмуд Усмонов ҳали йигитлик чоғидаёқ Тошкент куранти қурилишига ўз ҳиссасини қўшган. Юзлаб шогирдларга халқимизнинг узоқ ўтмишига даҳлдор ганч ўймакорлик санъатини мерос қилиб қолдирган уста Маҳмуд Усмоновнинг меҳнатлари муносиб тақдирланган. У Ўзбекистон халқ рассоми, қатор орден ва медаллар нишондори, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофотлари совриндори.

Халқ суйган инсон таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш чоғида Юртбошимиз табрик йўллаб: «Сиз улкан санъаткор бўлиш билан бирга, ўз ҳунарини дариғ тутмаган, уларни ёшларга беминнат ўргатиб келаётган саховатли қалб эгаси, халқ эъзозлаган устасиз... Сизнинг фидоий меҳнатингиз, ғайрат-шижоатингиз келажаги буюк давлатимизнинг ёш авлодига ҳамиша ибратдир», деган эдилар.

Дарвоқе, нозиктаъб, қалби гўзал инсон нафосатни ўзгача ҳис этар. Уста агар ҳаёт бўлганларида бугун ўзларининг 90-баҳорларини қаршилардилар.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

БЕДОРЛИК

Яқинда шоир Турсун Алининг яна бир янги китоби — Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Уйғоқ сукунат» шеърий тўпламини олдим. Чуқур мушоҳадаларга бой, таъсирчан шеърлар...

Рауф Парфи шеърияти,
Рауф Парфи қисмати —
суҳбатимиз ўқ
томирига айланди.
«Мен ёлғизман,
овозим ёлғиз» сатрлари
чарсиллаб баҳсларга
бойланди.
Ўша маҳал
тун қаърин куйдириб,
қандайдир,
балки яқиндан,
балки узоқдан,
хазин эшитилди ёлғиз
товуш.

Бу товуш — Турсун Алининг уйғоқлигига даҳлдор. Бошқаларнинг қисматидан портлаган сукунат. Бундай сукунат яратишга, уқубатга маҳкум. Ижод қила билиш уқубати. Шоир нафақат ёлғизлик, балки уқубат фарзанди ҳамдир.

«Болаликнинг бедор товушлари» ҳам сукунатнинг уйғоқлигига даҳлдор. Бедорликда болаликни эслаш ҳам армонли суврат — оғриқли хаёллар қамровида яшашдир.

Тушимда бир
қушчани кўрдим,
Шовуллаган терак
шохида
Ўйнар эди озод ва эркин
Саҳар пайти ёдимга
тушди
Олис болалигим —
Қува боғлари...

Эҳ, умр ўтаверар экан. Биз эса болаликни қайта-қайта қўмсашдан чарчамаймиз. Унга қайтгимиз келаверади. Лекин вақт чангали чайир — соғинчларни парчалайди, ўз изимизда турли-туман ташвишларга рўбару қилаверади. Барибир биз болаликдан воз кечмаймиз! Биз дарахт бўлсак, илдизимиз ана шу беғубор, дилтортар гўшадан озиқ олади, шакли-шамойилимизни белгилайди.

Боғ Майсазорда
чалқанча ётиб,
Сени осмон кўзгусида
кўрдим, қишлоғим, —

дейди шоир. Гўзал армон — тиканли гул... Болалик соғинчини бундан ортиқ тасвирлаш мумкинми?

Турсун Али кўнгил оҳангларини бўғиқ, оғир сатрларда беришга мойиллик сезар экан, бу — ўзгалар дардига куйиниб яшашига бефарқ қарай олмаслигидан далолат.

Шоир Ватанни гўзаллиги учун севмайди, унда илдиз отиб, палак ёзганлиги, унда яшаш, яратиш бахтини кўрганлиги учун ҳам уни ардоқлайди, авайлайди — ўз меҳрини чуқур эҳтиром билан ифодалайди. Лекин шундай неъматга раҳна солгувчилардан нафратланади.

Ватан — эй ота,
Оҳ, сени ўлдирмоқчи
бўлдилар.
Қип-яланғоч хоинлар
Кўзларининг манфур
косасига
Қон тўлган сотқинлар...

«Ватанга айтилган сўз». Ички таскин. «Энди улар йўқ, улар йўқ, улар йўқ», дейди шоир. Шафқатсиз ҳукм. Февраль воқеаларига муносабат ана шундай.

Ватанга хиёнат ҳеч қачон кечирилмаган. Унинг ярасига малҳам сифатида шоир шундай, дейди бошқа бир шеърида.

Йўқ, йўқ, сен яшайсан,
юраверр порлаб,
Менинг яраланган
армонимга зид.
Майлига, ёндиргин,
туравер чорлаб,
Кўксим осмонида
порлаган умид.

Қониқиш ҳисси билан «Уйғоқ сукунат»га юрак орқали қулоқ солиб, «Бедорликни авайлаб келганингиз учун раҳмат, биродар» дегим келади.

■ **Собир ЖАББОРОВ**

5-саҳифа

БОЛА ҚАЕРДА?

«Уннан кейин, хууп денг дадажон, бунай бупти» деб ҳикоя бошловчи «Баҳриддин бугалтир» кўп хушчақчақ одам.

Ака янги иморатга ҳашар уюштирди. Гангур-сунгур ҳангома, ҳазил-мутойиба билан тушликка бориб ҳашар якун топди. Ҳамма зиёфатга ўтирди. Энди тутилмаган латифалардан гап бошланувди ҳамки, янга остонада ташвишли ҳолатда пайдо бўлди. Акани имлаб чақириб, қулоғига шивирлади:

— Меҳржон йўқ отаси, ҳамма жойди охтардим, боласи тушмагур дайроводга кетган бўлса-я, ман ўлай...

Баҳриддин ака одамларга эшитарли қилиб гап қилди.

— Бола йўқолган.

Зиёфат жойида қолди. Ким дайроводга, ким катта асфальт йўлга, ким дайроводдаги тўқайзорга югурди.

Эсхонасидан айрилган янгага қараб:

— Онаси, сан нега ховлиқасан? Боланг ана, матоцикл кажавасида ухлаяпти. Қара! Жим, хотин жим, зиёфат ўзимизга қолди, — деди Баҳриддин ака.

ЙЎЛИНИ ТОПДИ

Баҳриддин ака яхшигина миришкор. Бўш пайтлари қолип билан хом ғишт қуйиб сўраганларга сотиб юради. Кейинги бир тўп ғиштнинг харидори айнаб қолади-ёв, ғиштни қурт-қумурсқага бостирибди. Эрта наҳоргача қурт-қумурсқадан тозалаш керак, ўйлади. Шу алфозда ариққа термулди. Баҳриддин ака ариқ сувида оқиб кетаётган бир-икки дона қурт-қумурсқани кўриб қувониб кетди:

— Топдим!

Хом ғиштларни шартта хандакка тушириб, сувга тўлдириб юборди ва қурт-қумурсқаларнинг сув юзига қалқиб чиққанини кўриб хурсандлигидан қичқириб юборди:

— Ҳа киркинингдан!

Эртаси наҳорда ғиштга харидорни хандак тепасига бошлаб келган Баҳриддин ака бир уюм лойни кўриб, нима дейишни билмай қолди.

АВТОЛ ҚУРТЛАБДИ

— Сиз Баҳриддин, машина-трактор паркига «уполномоченсиз», бугундан бошлаб у ердаги ҳар бир воқеа тафсилоти бу ерда муҳокама этилиши керак! — топшириқ берди хўжалик раиси.

Баҳриддин ака қоғоз папкасини қўлтиққа қистириб, брезентдан тикилган шапкасини бостириб машина-трактор паркига кетди. Ҳаммаёқни айланиб, текшириб чиқди. Ногоҳ ёнилғи мойлаш маҳсулотлари сақланадиган омборхона ёнида пайдо бўлди.

— Бу нима? — сўради бош муҳандисдан.

— Автол, — деди у.

— Автолни кўриб турибман, ана у-чи?

— Ҳа-я, «уполномочен ака» идишнинг жўмраги носозроқ, чакиллаб ерга томиб нобуд бўлмасин деб, унинг тагига эски тоғорани қўйдик.

— Уни сўраётганим йўқ, автол ичидагисини кўрмаяпсизми, бу нима? Кўрмаган бўлсангиз яхшироқ қараб олинг! Автол қуртлабди! Энди кўрдингизми?

— ...

— Нега бизда тракторлар тез-тез бузилиб туради, мана сабаб, қарамайсизлар, қуртлаган автолни ишлатасизлар, — энди Баҳриддин ака очиқчасига даг-даға ўтди. — Бу аҳволда калхўзни хонавайрон қиласизлар-ку!

Шу ерда далолатнома тузилди. «Шу ҳақдаким, калхўз бош муҳандиси нефть базадан олиб келинган қуртлаган автолни қабул қилиб олган».

■ **Парда ЖУМАЕВ, Навбаҳор тумани.**

Таътил қувончлари. Шавкат АКРАМОВ олган сурат

МУЛОҲАЗА

НОСНИ... ҚАЕРГА ТУФЛАЙСИЗ?

Катта йўл четидаги, машҳур актёрлар тасвири туширилган улкан, рангли сигарет рекламаси кимнинг эътиборини жалб қилмайди?! Ёинки, телевизордаги қизиқарли кўрсатув, фильмларнинг қоқ ўртасидаги «шубҳасиз бизники» бўлган сигаретлар рекламаси таъсирига берилмаслик учун нима қилган маъқул?! Шартта телевизорни ўчириш ёки кўзни дарҳол юмиб, қулоқни беркитиш керакми?! Яна шу пайтнинг ўзида «чекиш соғлигингиз учун зарарли», деб огоҳлантириб ҳам қўйишади. Бундай тескари мантиқ одамнинг энсасини қотиради. Олимларнинг маълумотига кўра, сигарет чекмайдиган катта ёшдаги кишилар рекламалар таъсирида чекишни одат қилмасалар-да, чекувчиларни доимий рекламалар сигаретга қаттиқроқ боғлаб қўяди. Ўсмирлар ва болалар эса рангбаранг рекламалар «қурбони» бўладилар.

Сигарет чекувчиларнинг кўпайишига рекламаларнинг катта таъсири бор, дейлик. Хўш, унда сира реклама қилинмайдиган яна бир чекиш воситаси — носнинг ихлосмандлари кўпайишига сабаб нима?

Нос нима учун чекилади, чекувчилар тили билан айтганда «носнинг хумори» нега тутади ўзи? Ёки лўнда қилиб айтганда, унинг фойдаси нимада?! Нос ўткир восита сифатида бир неча минут мобайнида миядаги айрим тўқималарни карахт қилиб туради. Тилнинг остига ташланган бир отим нос туфайли кундалик ташвишлар бир қадар унутилиб, одам енгил тортгандай бўлади. «Кайф» ҳолати юз беради. Аммо бу алдамчи енгиллик нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Энди мияси қотаётган ёш ўсмир учун бу ҳам ўзига хос наркотик эмасми? Аслида носкашлик билан бангиликнинг ораси бир қадам... Маълумотларга қараганда, носга қўшиладиган тамаки қатронида концероген моддалар — бензпирин ва бошқалар бўлиб, нос чекадиган одамларда оғиз бўшлиғи раки чекмайдиганларга қараганда 11 марта кўп учрайди.

Бундан ташқари, унинг инсон ҳуснини бузиб, тишларни сарғайтириш хусусияти бор. Ахир, тиш ҳам ҳусн-ку... Дейлик, қаттиқ хумори тутиб нос чекиб олдингиз. Ногаҳонда меҳмонга бориб, носни... қаерга туфлайсиз?

■ **Алишер ИБОДИНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2000 йил 14 июнь куни соат 11⁰⁰да ўтказиладиган навбатдаги

аукцион савдоларга таклиф этади.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Бўка тумани «АТС» АЖга қарашли «ГАЗ-2411», д-р 29-36 ТША, **бошланғич нархи — 117000 сўм.**
2. Ўртачирчиқ «Тоштелеком» АЖга қарашли «ГАЗ-2411», д-р 11АС 469, **бошланғич нархи — 78000 сўм.**
3. Пскент тумани ҳокимиятига қарашли «ГАЗ-3102», д-р 01-61 ТШВ, **бошланғич нархи — 259000 сўм.**
4. Бекобод шаҳар ҳокимлигига қарашли «ГАЗ-24», д-р 02-69 ТШВ, **бошланғич нархи — 118000 сўм.**
5. Бекобод шаҳар ҳокимлигига қарашли «ВАЗ-2121», д-р 11АА987, **бошланғич нархи — 94000 сўм.**
6. Бекобод шаҳар ҳокимлигига қарашли «ВАЗ-2106», д-р 02-11 ТШВ, **бошланғич нархи — 231000 сўм.**
7. Бекобод шаҳар «Гўштсутсавдо»га қарашли «ВАЗ-2107», д-р 11АЕ590, **бошланғич нархи — 236000 сўм.**
8. Пскент тумани «ПМК-3»га қарашли «ГАЗ-31029», д-р 11 АЕ348, **бошланғич нархи — 278000 сўм.**

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона.
Тел: 133-28-52, факс: 133-49-31.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва Ҳайъати ҳамда шахсий таркиби Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Ботир Раҳматович Парпиевга отаси
Раҳмат ота ПАРПИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби республика ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Парпиев Ботир Раҳматовичга падари бузруквори
РАҲМАТ ОТАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Ботир Раҳматович Парпиевга падари бузруквори
Раҳмат ПАРПИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Алишер Абдуваҳобович Хусаинова падари бузруквори
Абдуваҳоб ХУСАЙИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси бўлим мудири
Михаил Бабенцевнинг
вафоти муносабати оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Алишер Рўзиев

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 22.30
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА